ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРИЛИШ ВА УЙ-ЖОЙ КОММУНАЛ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

ШНҚ 2.08.12-24 «МОДДИЙ МАДАНИЙ МЕРОС ОБЪЕКТЛАРИ» ШАҲАРСОЗЛИК НОРМАЛАРИ ВА ҚОИДАЛАРИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

[Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2025 йил 7 февралда ҳисобга олинди, ҳисоб рақами 334]

Ўзбекистон Республикасининг Шаҳарсозлик кодекси ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 23 апрелдаги 231-сон «Қурилиш соҳасидаги норматив ҳужжатларни халқаро стандартлар билан уйғунлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ буюраман:

1. ШНҚ 2.08.12-24 «Моддий маданий мерос объектлари» шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги, Маданий мерос агентлиги ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси билан келишилган.

3. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир Ш. ХИДОЯТОВ

Тошкент ш.,
2025 йил 10 январь
01/2-3-сон
Келишилди:

Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазири
А. АБДУХАКИМОВ

2024 йил 25 декабрь

Маданий мерос агентлиги директори Б. АБДИКАРИМОВ

2024 йил 18 декабрь

Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси раиси
Б. ЮСУПАЛИЕВ

2024 йил 17 декабрь

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш
ва уй-жой коммунал хўжалиги
вазирининг 2025 йил 10 январдаги
01/2-3-сон буйруғига
ИЛОВА

ШНҚ 2.08.12-24 « Моддий маданий мерос объектлари» шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари

Мазкур шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари (бундан буён матнда ШНҚ деб юритилади) моддий маданий мерос объектларидан фойдаланиш, уларнинг тарихий-маданий аҳамиятини сақлаш, консервация қилиш, таъмирлаш ҳамда реставрация қилишга оид талабларни белгилайди.

1-боб. Шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларга ҳаволалар

1. Ушбу ШНҚда қуйидаги шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларга ҳаволалар қўлланилган:

ШНҚ 3.01.02-23 «Қурилишда хавфсизлик техникаси»;

ГОСТ 8735-88 Қурилиш ишларида қўлланиладиган қум. Синов усуллари (расмий манба: Песок для строительных работ. Методы испытаний);

ГОСТ 31108-2020 Умумий қурилиш ишлари учун цемент. Техник шартлар (расмий манба: Цементы общестроительные. Технические условия);

ГОСТ 30515-2013 Цементлар. Умумий техник талаблар (расмий манба: Цементы. Общие технические условия);

ГОСТ 23732-2011 Бетон ва қурилиш қоришмаларида қўлланиладиган сув. Техник шартлар (расмий манба: Вода для бетонов и строительных растворов. Технические условия);

ГОСТ 22690-2015 Бетонлар. Нодеструктив назорат механик усулларда мустаҳкамликни аниқлаш (расмий манба: Бетоны. Определение прочности механическими методами неразрушающего контроля);

ГОСТ 31937-2011 Бино ва иншоотлар. Техник ҳолатни текшириш ва мониторинг қилиш қоидалари. (расмий манба: Здания и сооружения. Правила обследования и мониторинга технического состояния).

2-боб. Атамалар ва таърифлар

2. Ушбу ШНҚда қуйидаги атамалар ва уларнинг таърифлари қўлланилган:

моддий маданий мерос объектлари — тарихий, илмий, бадиий ёки ўзгача маданий қимматга эга бўлган ансамбллар, диққатга сазовор жойлар ва ёдгорликлар;

герметик — сув ўтказмайдиган қоплама учун фойдаланиладиган материал;

эфлоресценция — тош-ғишт деворларнинг юзасига туз чиқиши натижасида оқ доғлар ҳосил бўлиши;

бўёқнинг кукунлашиши — бўёқ таркибидаги қатроннинг аста-секин парчаланиши натижасида юзага келадиган жараён;

сочсимон майда ёриқлар тўри — бўялган юзадаги соч қалинлигидаги бир-бирига уланиб кетган майда ёриқлар.

3-боб. Умумий қоидалар

3. Моддий маданий мерос объектларининг жисмоний емирилиши (шикастланиши) жараёнларини тўхтатишда қуйидагилар амалга оширилиши керак:

моддий маданий мерос объектининг муҳофаза ҳудудини ифлослантириш ва тебраниш манбаларини камайтириш;

конструкцияларни табиий таъсирлардан ҳимоялаш, уларни заифлаштирувчи, сувнинг капилляр ҳаракати ва ичига сув ўтишига олиб келувчи нуқсонларни бартараф этиш;

реставрация ишларида яроқли бўлмаган ва зарарли ҳисобланган материаллардан фойдаланмаслик.

4. Моддий маданий мерос объектдан фойдаланишда унинг тарихий аҳамиятини ўзгартирмаслиги ёки жисмоний ҳолатини ёмонлаштирмаслиги учун қуйидаги ишлар бажарилиши керак:

моддий маданий мерос объектни техник, санитария ҳамда ёнғинга қарши талабларга мувофиқ ҳолатда сақлаш;

моддий маданий мерос объекти ҳудуди ҳолатини ёмонлашувига йўл қўймаслик.

Моддий маданий мерос объектини муҳофазалаш элементини ўзгартирувчи ёки унинг бутунлигини таъминловчи шароитларни ёмонлашувига олиб келувчи ишларни бажармаслик лозим.

Моддий маданий мерос объектини муҳофазалаш элементи аниқ бўлмаса, объектнинг ташқи кўринишини, ҳажмий-режавий ечимлари, интерьерини ўзгартирадиган ишларни бажармаслик зарур.

5. Моддий маданий мерос объекти жойлашган ер майдони, сув объекти ёки унинг қисмидан фойдаланишда махсус техник шартлар ишлаб чиқилиши керак.

6. Моддий маданий мерос объектларидан қуйидаги мақсадларда фойдаланишга йўл қўйилмайди:

портловчи ва ёнғинга хавфли материалларни, объектнинг интерьери, фасади, ҳудуди ҳамда сув объектларини ифлослантирувчи буюм ва моддаларни ишлаб чиқариш, шунингдек уларни сақлаш омборлари сифатида;

моддий маданий мерос объектининг конструкцияларига динамик ва тебратувчи таъсир кўрсатувчи жиҳозлар (ушбу жиҳозларнинг қувватидан қатъий назар) қўлланиладиган ишлаб чиқариш объектлари сифатида;

моддий маданий мерос объектлари учун ноқулай бўлган ҳарорат-намлик ҳолати ва кимёвий фаол моддаларни қўллаш билан боғлиқ бўлган ишлаб чиқариш ва лаборатория объектлари сифатида.

7. Моддий маданий мерос объектининг жисмоний ҳолатини ёмонлаштириш ва унинг муҳофазалаш элементини ўзгартиришга йўл қўйилмайди.

4-боб. Моддий маданий мерос объектларининг тош-ғишт юзаларини тозалашга қўйиладиган талаблар

8. Моддий маданий мерос объектининг тош-ғишт юзасини тозалашдан олдин тозалаш мақсади (моддий маданий мерос объекти кўринишини яхшилаш, емирилишини секинлаштириш, юзани тозалаш) белгиланиб олиниши керак.

9. Моддий маданий мерос объектининг тош-ғишт юзасини унга шикаст етказувчи моддалардан тозалашда уларнинг келиб чиқиш манбаини (қурум, қоракуя, тутун, моғор) аниқлаш ва асл материални шикастламасдан тозалаш лозим.

10. Моддий маданий мерос объектининг тош-ғишт юзасини тозалашда унинг тарихий кўриниши инобатга олиш керак.

Моддий маданий мерос объектининг тош-ғишт юзасининг бўёқ билан қопланиш сабаби (таъмирланганда бошланғич юзага мослаш, нотўғри таъмирланган чокларни қоплаш, юмшоқ ғиштларни ҳимоялаш, емирилган юзаларни беркитиш) аниқланиши керак.

11. Бўёқнинг вазифаси моддий маданий мерос объектининг тош-ғишт юзасини узоқ муддат сақлаш бўлса, уни қолдириш лозим.

Агар эски бўёқ қатламлари кўпайиб кетган бўлса, янги бўёқ моддий маданий мерос объектининг тош-ғишт юзасига яхши бирикишини таъминлаш мақсадида эски бўёқ қатламлари олиниши керак.

12. Тозалаш ишлари моддий маданий мерос объектининг тош-ғишт ва бошқа материалларига емирувчи таъсир кўрсатиши сабабли тозалаш бўйича чора-тадбирларни

ишлаб чиқишда моддий маданий мерос объекти конструкцияси инобатга олиниши, тош-ғишт материал тури тўғри аниқланиши керак.

13. Моддий маданий мерос объектининг тош-ғишт юзасини тозалаш ишлари бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқишдан олдин ушбу юзаларни тозалаш бўйича илгари бажарилган ишлар ва қўлланилган моддалар (бу ҳақида маълумот мавжуд бўлса) ўрганилиши лозим.

14. Тозалаш ишларини бажаришда бир неча тозаловчи моддалар синовдан ўтказилиши, илгари қўлланган моддаларни эритадиган восита аниқланиши керак.

15. Тозалаш усуллари ва материалларини қўллашдан олдин турли воситалар олдиндан синов тариқасида материал намунасида қўлланилиши ва тозаловчи модда тўғри танланиши керак.

16. Моддий маданий мерос объектларининг тош-ғишт юзасидаги доғларни сув ёрдамида кетказишнинг имкони бўлса, сув билан тозалаш усуллари (ивитиш, босим остида сув пуркаш, нейтрал ювувчи модда қўшилган сув билан тозалаш, босим остидаги буғ билан тозалаш) қўлланилиши керак.

17. Сувли усулда тозалаш ишлари якунланганидан кейин моддий маданий мерос объектининг тош-ғишт юзасидан кўчган кир заррачаларни ювиб тушириш учун юзани сув билан ювиш лозим.

18. Оҳактош ва мармар юзаларни тозалашда уларга сув сепиб ивитилиши ҳамда сув билан тозалаш ва ювиш керак зарур.

19. Моддий маданий мерос объектининг тош-ғишт юзасини сув билан тозалашда сепиладиган сув босими камида 700 kPa бўлиши, бунда юзадаги кирлар тозаланмаса, сув босимини 3000 kPa гача кўтариб боришга йўл қўйилади.

Юзани ишқалаш учун табиий ёки сунъий жунли чўтка қўлланилиши лозим.

20. Моддий маданий мерос объектининг тош-ғишт юзасини тозалашда металл чўткадан фойдаланишга йўл қўйилмайди.

21. Нотекис (ғадир-будир, ўйма нақшли) юзаларни тозалашни енгиллаштириш учун сувга ювиш воситаларини (махсус ионли воситалар) қўшиб табиий ёки сунъий жунли чўткалар билан ишқалаш лозим.

22. Ювиш воситалари ёрдамида тозаланганидан сўнг моддий маданий мерос объектининг тош-ғишт юзаси сув билан ювилиши зарур.

23. Кислоталар зарар етказиши мумкин бўлган тошлар, ўйма нақшли тош юзалари ҳамда ички тош юзаларини буғли (иссиқ сув билан) усулда тозалаш керак.

24. Моддий маданий мерос объектини сув билан ювишдан олдин моддий маданий мерос объектининг тош-ғишт чоклари текширилиши ва унинг ичига сув ўтмаслиги таъминланиши лозим.

25. Моддий маданий мерос объектининг тош-ғишт юзасини ювиш учун қўлланиладиган сувда металл ва мис бўлса, сувга хелат ёки метал ионларини фаолсизлантирувчи бошқа моддалар қўшилиши керак.

26. Ҳаво ҳарорати 1°С дан паст бўлганда сувли усулда тозалашга йўл қўйилмайди.

Бунда, сув билан тозалаш усули совуқ тушишидан камида бир ҳафта олдин бажарилиши лозим.

27. Моддий маданий мерос объектининг тош-ғишт юзасини юқори босимли сув билан ювишда сув билан ювиш усули аввал намунада синаб кўрилиши керак.

28. Кимёвий тозалаш усулида кислоталар, ишқорлар ва органик бирикмалардан фойдаланишга йўл қўйилади.

Кислоталарга сезувчан бўлган моддий маданий мерос объектининг тош-ғишт юзаси учун кислоталардан фойдаланишга йўл қўйилмайди.

Кислоталарга сезувчан бўлган моддий маданий мерос объектининг тош-ғишт юзасини бўёқлардан тозалаш учун органик эритувчи асосидаги ишқорлар ва бошқа кимёвий моддалар қўлланилиши лозим.

29. Ишқорли ва кислотали моддалар билан тозалашда моддий маданий мерос объектининг тош-ғишт юзаси аввал намлантирилиши сўнг кимёвий тозаловчи модда паст босимда юзага сепилиши ёки жунли чўтка билан сурилиши керак.

Тозаловчи моддани сув билан ювиб ташлашгача бўлган вақт, шунингдек (агар кимёвий модда бир неча марта суриб ювилиши лозим бўлса) кимёвий моддани неча марта суриб ювилиши ва концентрацияси синовлар ёрдамида аниқланиши лозим.

Кимёвий модда ювиб ташланганидан кейин юза pH-тасмалар билан текширилиши керак.

30. Кислотали моддалар кислота зарар етказмайдиган моддий маданий мерос объектининг тош-ғишт юзаси (гранит, қумтошлар, сланец, сирланмаган ғишт ва сопол, қуйма тош ва бетон) учун қўлланилиши лозим.

31. Кимёвий ювувчи моддалар ҳўл юзага сурилиши, кислота таъсир қиладиган вақт ўтганидан сўнг сув билан ювиб ташланиши керак.

32. Кислоталар зарар етказиши мумкин бўлган юзаларни (оҳактош, сайқалланган ва сайқалланмаган мармар, кальцийли қумтош, сирланган ғишт ва сирланган сопол ҳамда сайқалланган гранит) тозалашда ишқорли моддалар қўлланилиши зарур.

Ишқорли моддаларни кислотага сезувчан бўлмаган юзалар учун ҳам қўллашга йўл қўйилади. Бунда, улар аввал синаб кўрилиши керак.

33. Моддий маданий мерос объектининг тош-ғишт юзасидан бўёқ ва бошқа қопламалар, шунингдек доғлар ва граффити расмларни самарали равишда олиб ташлаш учун бўёқ кеткизувчи ишқорли воситалар, бўёқ кеткизувчи органик эритмали воситалар ва бошқа турдаги бўёқ кеткизувчи воситалардан фойдаланиш лозим.

Бунинг учун тош-ғишт юзага бўёқ кеткизувчи восита жун чўтка, валик ёрдамида сурилиши ёки сепилиши ва сув билан ювилиши керак.

34. Кимёвий тозалаш усулларида сувдан фойдаланиш талаб этилганлиги сабабли, ушбу усуллар совуқ ҳавода қўлланилмаслиги керак.

Кимёвий тозалаш усуллари 4ºС дан паст бўлган ҳароратда қўлланилишига йўл қўйилмайди.

35. Кислотали ва ишқорли тозалаш усулларининг атроф-муҳитга таъсири юқори бўлса, улардан фойдаланишга йўл қўйилмайди.

36. Кислота таъсирида шикастланадиган моддий маданий мерос объектининг тош-ғишт юзасини тозалашда кислоталардан фойдаланишга йўл қўйилмайди.

37. Абразив ёки механик тозалаш усуллари (қум пуркагич, шлифовкаловчи ускуналар) тош-ғишт юзаларга жисмоний ва эстетик жиҳатдан шикаст етказиши сабабли, уларни моддий маданий мерос объектларининг тош-ғишт юзасини тозалашда қўллашга йўл қўйилмайди.

38. Кукун кўринишида майдаланган ёнғоқ пўчоқларидан бронза ҳайкалларни, алюмин оксидли микроабразив заррачалар ёрдамида ўйма нақшли тош юзаларни тозалашда фойдаланишга йўл қўйилади.

39. Моддий маданий мерос объектларида суртма (мастика) ва асфальтли қопламаларни кўчириш учун муз парчалари ёки гранулаланган қуруқ муз (карбон диоксид ёки CO_2) ли абразив тозалаш усулидан фойдаланиш лозим.

40. Моддий маданий мерос объектининг тош-ғишт юзасини гриндер ёки қумқоғоз билан тозалашга йўл қўйилмайди.

41. Моддий маданий мерос объектининг тош-ғишт юзага сингиб кетган граффити ва доғларни бўктириш (суюқ ҳолатдаги тозаловчи моддага бўктирилган мато, каолин кукуни, майдаланган қоғоз ёки қоғоз сочиқни тозаланадиган юзага маълум муддатга ёпиштириб қўйиш) усулида тозалаш лозим.

42. Моддий маданий мерос объектининг тош-ғишт юзаси зарар етказмайдиган усулни танлаш учун бир нечта тозалаш усуллари ва материаллар синаб кўрилиши лозим.

43. Тозалаш усулини танлашдан олдин юзанинг талаб этилган тозалик даражасини аниқлаш лозим.

44. Моддий маданий мерос объектининг тош-ғишт юзасини тозалаш усулларини қўллашдан олдин улар объектнинг кўзга тушмайдиган қисмларида синаб кўрилиши керак.

45. Тозалаш усули ҳар бир материал учун алоҳида синалиши лозим.

46. Тозалаш усулларининг натижалари тозаланган юза тўлиқ қуриганидан кейин текширилиши керак.

47. Синовлар натижасида битта моддий маданий мерос объектининг ўзида бир нечта тозалаш усуллари қўлланилиши имконияти мавжуд бўлса, улардан энг самаралиси танланиши лозим.

48. Моддий маданий мерос объектларидаги тош-ғишт юзасини тозалашнинг ҳар бир усулларини атроф-муҳитга таъсир кўрсатиши (дарахтлар, ўтлар ва бошқа ўсимликлар ҳамда тупроққа бўлган зарарли таъсири) ўрганилиши керак.

49. Ишқор ва кислота асосли тозаловчи моддалар ёмғир сув дренажларига оқизилишидан олдин улар зарарсизлантирилиши (нейтраллаштирилиши) керак.

50. Моддий маданий мерос объектининг тош-ғишт юзасини тозалашда қўлланилган, бироқ қўлланилганидан кейин зарарсизлантириш (нейтраллаштириш) имкони бўлмаган тозаловчи моддалар (таркибида эритувчилар бўлган моддалар) махсус транспорт ёки бошқа воситалар ёрдамида чиқариб ташланиши (утилизация) қилиниши лозим.

51. Кимёвий моддаларни ушлаб қолиб грунтга тушишини олдини олувчи чоралар кўрилиши керак.

52. Қўрғошинли бўёқларни олиб ташлашда инсон соғлиғи учун хавфсиз тозалаш ва чиқариб ташлаш (утилизация) усулларидан фойдаланиш лозим.

53. Моддий маданий мерос объектининг тош-ғишт юзасини тозалашда қўлланиладиган моддалар тош-ғишт бўлмаган юзаларга (масалан, шиша, металл ва ёғоч) зарар етказишига йўл қўйилмаслиги, бунда дераза ва эшиклар ҳамда ушбу моддаларга чидамли бўлмаган материаллардан ишланган бошқа юзалар пластик, полиэтилен билан қопланиши керак.

54. Тозаловчи кимёвий моддалар шамол билан бошқа ҳудудларга тарқалишини олдини олувчи чора-тадбирлар амалга оширилиши лозим.

55. Моддий маданий мерос объектини кимёвий моддалар билан тозалашда унинг ёнидан ўтувчи пиёдаларга сачрашини ёки вентиляция тизими орқали ҳаво билан моддий маданий мерос объекти ичига кириб, ундаги инсонларга зарар етказилишини олдини олиш керак.

56. Моддий маданий мерос объекти ичида ортиқча намлик юзага келишини олдини олиш учун тош-ғишт юзаларни сув юқмайдиган қопламалар билан қоплашга йўл қўйилмайди.

57. Моддий маданий мерос объекти етарлича пиширилмаган ва ғоваклиги юқори бўлган ғиштдан қурилган бўлса, ғиштни ҳимояловчи сув юқмайдиган қопламалардан фойдаланишга йўл қўйилади.

58. Сув ўтказмайдиган қопламалар моддий маданий мерос объектининг фақат ер ости конструкцияларида (масалан, пойдевор) қўлланилиши, бунда уларни моддий маданий мерос объектининг ер усти қисмларида қўллашга йўл қўйилмайди.

5-боб. Тош-ғишт материаллардан барпо этилган моддий маданий мерос объектларининг чокларини таъмирлашга қўйиладиган

59. Тош-ғишт деворлардаги чокларни таъмирлашдан олдин чок қоришмасининг емирилиши, ёриқларнинг ҳосил бўлиши, ғишт ёки тошларнинг бўшаб қолиши, деворнинг нам тортиши аниқланиши керак.

60. Чокларни таъмирлашда уларда юзага келган муаммонинг асл сабаби аниқланиши (томдан ёки тарновлардан сув ўтиши, объектнинг нотекис чўкиши, грунтдан намликнинг капилляр кўтарилиши ёки экстремал об-ҳаво таъсири) ва бартараф этилиши зарур.

61. Моддий маданий мерос объектларининг тарихий кўринишини сақлаш учун чокларни таъмирлашдан олдин уларнинг деворларини қуришда ишлатилган ғишт, тош ёки сопол ҳамда фойдаланилган қурилиш усуллари ўрганилиши керак.

Бунда, чокларни таъмирлашда қўлланиладиган қоришманинг нисбий мустаҳкамлиги ва сув ўтказувчанлиги тўғрисидаги маълумот, кўз билан (визуал) таҳлил орқали эса янги қоришмани яратиш ва уни қўллаш усуллари бўйича маълумот олиниши лозим.

62. Тош-ғишт материаллардан барпо этилган моддий маданий мерос объектларида чокларни таъмирлаш учун қоришмада қўлланиладиган қум ГОСТ 8735-88 ҳамда ГОСТ 30515-2013 ларга мувофиқ бўлиши керак.

63. Қоришма учун цемент ГОСТ 31108-2020 га мувофиқ бўлиши лозим.

64. Эфлоресценция юзага келмаслиги учун цемент таркибидаги ишқорлар миқдори 0,60 фоиздан ошмаслиги керак.

65. Қоришма учун қўлланиладиган сув ГОСТ 23732-2011 га мувофиқ бўлиши керак.

66. Моддий маданий мерос объектида қўлланилган асл қоришманинг аниқ физик ва кимёвий хоссаларини аниқлаш зарур бўлмаган ҳолларда қуйидагилар амалга оширилиши керак:

янги қоришма асл қоришма ранги, тузилмаси ва нақши билан ўхшаш бўлиши;

янги қоришмадаги қум асл қоришмадаги қумга мос келиши;

янги қоришманинг тош-ғишт материалларникига нисбатан буғ ўтказувчанлиги юқорироқ ва сиқилишга бўлган мустаҳкамлиги пастроқ бўлиши;

янги қоришманинг буғ ўтказувчанлиги асл қоришманикига тенг бўлиши;

янги қоришманинг сиқилишга бўлган мустаҳкамлиги асл қоришманикига нисбатан пастроқ ёки унга тенг бўлиши.

67. Моддий маданий мерос объектларидаги тош-ғишт оҳактошли қоришмалардан терилган бўлса, бундай чокларни таъмирлашда цементли қоришмадан фойдаланишга йўл қўйилмайди.

68. Моддий маданий мерос объектларининг тош-ғишт деворларидаги чокларни таъмирлашда оҳактошли қоришмадан фойдаланиш лозим.

69. Қоришмада ишлатиладиган сувнинг таркибида кислоталар, ишқорлар ва бошқа эриган органик материаллар бўлмаслиги керак.

70. Қоришманинг қотиш даврида музлашини олдини олиш учун музламайдиган воситадан (антифриз) фойдаланишга йўл қўйилмайди.

71. Музламайдиган воситани (антифриз) қўллаш ўрнига қоришмага қўшиладиган қум ва сувни қизитиб ишлатиш лозим.

72. Моддий маданий мерос объектларининг таъмирлаш ишлари илиқ об-ҳаво шароитларида (8°С дан 38°С гача бўлган ҳароратда) амалга оширилиши керак.

73. Иссиқ ҳавода қоришма тез қуриб қолмаслиги учун чокларни таъмирлаш ишлари қуёш нурлари тўғридан-тўғри тушмайдиган жойларда олиб борилиши керак.

Агар қуёш нурлари тўғридан-тўғри тушмайдиган жойлар мавжуд бўлмаса, қуёшдан тўсувчи мосламалар ўрнатилиши лозим.

74. Янги қоришма яхши ёпишиши учун эски чок мазкур ШНҚнинг 1-иловасидаги 1-расмига мувофиқ чокнинг камида 2 — 2,5 баробар энига тенг бўлган чуқурликкача олиб ташланиши керак.

Ғиштли девор чокларида эски чокни 1,5 — 2,5 cm чуқурликкача олиб ташланиши лозим.

Кенг чокли тошли деворларда ушбу чуқурлик 5 — 10 cm гача оширилиши керак.

Агар белгиланган чуқурликда олинган чоклардан кейин ҳам қоришма бўлаклари бўлса, улар ҳам олиб ташланиши лозим.

75. Эски чокни олиб ташлаш вақтида тош-ғишт материалнинг қирралари шикастланмаслигини (ўпирилмаслиги) таъминланиши керак.

76. Оҳактош қоришмали чокларни электр арралар ёрдамида олиш усулидан фойдаланишга йўл қўйилмайди.

Бунинг ўрнига тош-ғишт материалнинг шикастланишини минималлаштириш мақсадида искана билан қўлда (ёки кичик пневматик исканалар ёрдамида) тозалаш лозим.

77. Цемент қоришмали чокларни тозалашда электр арралардан фойдаланишга йўл қўйилиши, бунда горизонтал чокларнинг маркази электр арра билан кесиб чиқилиши ва чокнинг четлари ҳамда вертикал чоклар қўлда искана билан тозаланиши керак.

78. Тозаланган чокларни қоришма билан тўлдиришдан олдин уларни босимли сув билан ювиб ташлаш керак.

Агар чоклар ўта сув шимувчан оҳактошдан бўлса, уларни босимсиз сув билан ювиш лозим.

79. Қоришма таркиби тўғри ўлчаниши ва аралаштирилиши, бунда улар қуруқ ҳолатда ҳажм бўйича ўлчаниши, сув қўшишдан олдин яхши аралаштирилиши, аралашмага аввал сувнинг ярми қўшилиши ва аралаштирилиши, қолган ярми эса қоришмани аралаштириб туриб оз-оздан қўшиб борилиши керак.

80. Қоришма тайёр бўлганидан сўнг у 30 мин ичида ишлатилиши керак.

Ушбу вақт ўтганидан кейин қуриган қоришмани сув қўшиб «тиклаш»га йўл қўйилмайди.

81. Қоришма тозаланган чокка қатламлаб (0,5-0,6 cm ли қатламлар билан) ўрнатилиши, навбатдаги қатлам ўрнатилишидан олдин, олдинги қатлам зичланилиши ва бармоқ билан босганда из қоладиган даражада қотиши керак.

82. Охирги қатлам қуйилганидан кейин у бармоқ билан босганда из қоладиган даражада қотганидан сўнг, унга мавжуд чокларга ўхшаш ишлов бериб чиқилиши лозим.

83. Агар ғишт ёки тош қирралари емирилган бўлса чокни мазкур ШНҚнинг 1-иловасидаги 2-расмига мувофиқ юзага нисбатан ботиқроқ қилиб тўлдириш керак.

84. Чоклар янги қоришма билан тўлдирилганидан сўнг уларни тез қотишини олдини олиш учун икки кун давомида вақти-вақти билан (маҳаллий шароитларга боғлиқ ҳолда аввал ҳар соатда, кейин ҳар 3-4 h да) намлаб турилиши керак.

85. Чоклар қоришма билан тўлдирилганидан сўнг уч кун давомида девор канопли мато билан ёпиб қўйилиши керак.

Каноп ўрнига пластик плёнка қўлланилишига йўл қўйилади. Бунда, у деворга тегмайдиган қилиб ёпилиши лозим.

86. Чокларни таъмирлашда тош-ғишт материалга теккан қоришма 1-2 h ўтгач табиий сочдан тайёрланган ёки нейлон чўтка билан тозаланиши керак.

Агар қоришма тош-ғишт юзада қотиб қолган бўлса, уни ёғоч ёки зарур бўлса искана билан тозалаш лозим.

87. Чокларни таъмирлаш ишларидан сўнг тош-ғишт юзаларни чок қоришмаси тўлиқ қотганидан сўнг амалга оширилиши керак.

88. Чоклар хизмат қилиш муддати камида 30 йилга мўлжаллаб таъмирланиши керак.

6-боб. Моддий маданий мерос объектларидаги бетон конструкцияларни сақлаш

1-§. Бетон материалларни сақлаш бўйича ишларни режалаштириш

89. Моддий маданий мерос объектларининг бетон элементларини таъмирлаш ҳамда алмаштириш усулларини ишлаб чиқишда қуйидагилар инобатга олиниши лозим:

моддий маданий мерос объектининг аҳамияти унинг меъморий ёки муҳандислик лойиҳаси учун муҳимлиги;

бетон элементларнинг емирилиш сабаблари.

90. Мавжуд емирилишларнинг сабабларини ва конструкциянинг бошқа турдаги емирилишларга мойиллигини аниқлаш учун моддий маданий мерос объектларнинг қурилиш усуллари (цемент хоссалари, қоришма лойиҳаси, қурилманинг вазифаси, ўрнатиш

усули, йиғма ёки монолит бетон) ҳамда бетонда илгари амалга оширилган таъмирлаш ишлари ўрганилиши лозим.

91. Моддий маданий мерос объекти элементлари юқори даражада емирилган бўлса ёки емирилиши давом этадиган бўлса, уларни алмаштириш лозим.

92. Моддий маданий мерос объектининг бетон элементларини ўрганиш, кўз орқали (визуал) кузатиш ва текшириш учун бетонни очиш ва лаборатория изланишлари орқали маълумотларни йиғиш керак.

2-§. Бетон ҳолатини аниқлаш

93. Бетон конструкцияларнинг эскириш ва емирилиш даражаси, тури ва шакли аввал бетон ҳолатини кўз билан (визуал) текшириш орқали аниқланиши лозим.

94. Бетоннинг ҳолатини текшириш кўз билан (визуал) умумий текширувдан бошланиши, бунда текширув ГОСТ 31937-2011 га мувофиқ амалга оширилиши керак.

95. Ёпиқ ҳолатларни баҳолаш учун натурада бузмасдан бажариладиган бир нечта синов усулларидан бири танланиши керак.

Бузмасдан бажариладиган синов ишлари ГОСТ 22690-2015 га мувофиқ амалга оширилиши керак.

Бетоннинг қатламлаб емирилиш жойларини аниқлаш учун асосий усул сифатида қўл болтачаси билан (горизонтал юзалар учун занжир билан) уриб чиқиш усулидан фойдаланиш лозим.

Бунда, замонавий усуллардан фойдаланишга йўл қўйилади.

96. Бетон ҳолатини баҳолаш учун материал таркиби ва емирилиш сабабларини аниқлаш, бунда лабораторияда синаш учун намуналар олиниши лозим.

Бетондаги хлор, сульфат миқдори ва ишқор даражасини аниқлаш, емирувчи тўлдирувчиларни топиш ҳамда карбонацияланиш чуқурлигини аниқлаш учун лаборатория синовлари кимёвий таҳлилни ҳам ўз ичига олиши керак.

Мавжуд бетоннинг мустаҳкамлигини баҳолаш ва таъмирлаш ишлари учун маълумот олиш мақсадида сиқилишга бўлган мустаҳкамликни аниқлаш бўйича синовлар бажарилиши керак.

97. Бетон конструкцияларни таъмирлашда қўлланиладиган бетон қоришмасини тайёрлаш учун лаборатория синовлари орқали асл бетоннинг таркиби ва тўлдирувчилари ҳамда турли емирилиш механизмлари музлаш ва эриш даврлари, ишқор ва тўлдирувчиларнинг ўзаро реакцияга киришуви ёки сульфат таъсири бўйича маълумот олиниши лозим.

3-§. Бетон конструкцияларни тозалаш

98. Бетон конструкцияларни тозалашдан олдин уларни тозалаш зарурати ва тозалашдан мақсад (бетоннинг кўринишини яхшилаш, циклик парваришлаш чораси сифатида ёки таъмирлашга тайёрлаш) аниқланиши лозим.

Бетонни тозалаш унга шикаст етказмасдан амалга оширилиши лозим.

99. Бетонни тозалашда учта асосий усуллардан бири (сув билан тозалаш усули, юзага абразив ишлов бериш ва юзага кимёвий ишлов бериш) қўлланилиши керак.

Мустаҳкам бетондан кирларни тозалашда 1,4 МРа ва ундан паст босимли сувдан ёки буғдан фойдаланишга йўл қўйилади.

100. Мўрт ва емирилган юзаларни тозалашда юзага шикаст етказмайдиган усуллар қўлланилиши лозим.

101. Доғларни ва кучли кирланган бетонни тозалашда сув ва буғли усуллар самара бермаганда, паст босим (0,25 — 0,50 МРа) билан майда заррачалардан (доломит оҳактош кукуни) фойдаланган ҳолда юзаларга микроабразив ишлов беришга йўл қўйилади.

Паст босимлар (0,25 — 0,50 МРа)да узатилган майда заррачалардан бузилиши, микроабразив ишлов беришда тузилмаси ва юзасининг нур қайтариш қобилиятига таъсир этганда бетонларни тозалашда микроабазив ишлов бериш усулидан фойдаланишга йўл қўйилмайди.

102. Бетон тусини ўзгартирмаслигини, суртмани (мастика) ювиб ташламаслигини, тўлдирувчиларни емирмаслигини инобатга олган ҳолда кимёвий ишлов бериш усулларни қўллашга йўл қўйилади.

103. Ҳар қандай тозалаш усули конструкцияга қўлланилишидан олдин намунада синаб кўрилиши лозим.

Бетоннинг эскириши ўзига хос тарзда бинонинг тарихийлигини ифодалайдиган ва унинг кирланиши кучли ёки зарарли бўлмаган ҳолларда, бино тозаланишсиз қолдирилиши керак.

4-§. Парваришлаш ва таъмирлаш усуллари

104. Бетонни парваришлаш ва зарур бўлган таъмирлаш ишларини аниқланиши лозим.

Бетон конструкцияларни парваришлашда объектнинг қуйидаги қисмларида герметиклардан фойдаланиш лозим:

дераза ва эшик периметрларида;

бетон билан бошқа материаллар туташган жойларда;

деворга ёки томга ўрнатилган элементларда (чироқлар, ташқи қувур элементларида).

Намлик ўтказмаслик ва ҳаво ўтишини камайтириш учун ёриқлар ва чокларни ёпишда эластик герметиклар қўлланилиши керак.

105. Бетонни таъмирлаш ишларини аниқлашда қуйидаги ишлар амалга оширилиши керак:

зичлагич чоклар, деформация чоклари ва ҳимоя қопламаларини ўрганиш;

ёриқлар ва қатламлаб емирилишлар каби бузилишларнинг ривожланишига олиб келадиган сабабларни ўрганиш.

106. Моддий маданий мерос объекти фасадидаги ёриқларни таъмирлаш учун герметикдан фойдаланилганда, герметик қўлланилганидан кейинги кўриниши инобатга олиниши лозим.

Таъмирлаш изини ёпиш учун герметик юзасига қум сепилишига йўл қўйилади.

107. Герметик материалларнинг емирилиш аломатлари аниқланганда улар алмаштирилиши керак.

Уретан ва полиуретан герметиклар бетон конструкциялар, йўл қопламалари ва пиёдалар йўлакларидаги чоклар ва ёриқларни ёпишда қўлланилишига йўл қўйилади.

Зичлагичлар ҳар 10 йилда алмаштирилиши керак.

108. Ҳаракатланиши таъминланиши талаб этиладиган бетон конструкциялар учун силикон герметиклар қўлланилиши лозим.

Силикон герметиклар ҳар 20 йилда алмаштирилиши керак.

109. Герметик қўлланиладиган юзаларга туташ бўлган материалларни доғлайдиган ва ғовакли бетонларни шикастлайдиган, шунингдек ўзига чанг ва кир тортувчи герметикларни қўллашга йўл қўйилмайди.

110. Таъмирлашда қўлланилган материалнинг якуний кўриниши асл бетонга ўхшаш бўлиши керак.

5-§. Бетон юзасини таъмирлашга тайёрлаш

111. Тўлдирувчисигача очилиб қолган бетонни ёки махсус тузилмали бетон юзани таъмирлашда асл бетон ва янги материал орасидаги чокни ёпиш учун бетонни қўлда чопиш усулидан фойдаланишга йўл қўйилади.

112. Емирилган ва мустаҳкам бўлмаган бетонни пневматик ёки қўл асбоблари ёрдамида олиб ташлашга йўл қўйилади.

Таъмирланадиган бетон юзаси ва очилиб қолган арматура тозаланиши, бунда қум ёки ҳаво пуркагичли тозалаш фақат таъмирланадиган жойга қўлланилиши керак.

Ушбу ишни бажаришда туташ бўлган мавжуд бетон юзалар ҳимояланиши лозим.

Чанг чиқиши чекланган жойларда қум пуркагич ўрнига кичик пневматик ускуна ва сим чўтка қўлланилишига йўл қўйилади.

113. Бетондаги мавжуд арматура емирилган бўлса ёки таъмирланадиган жойларда арматура бўлмаса, янги арматура ўрнатилиши керак.

Очилган мавжуд арматура ва бошқа пўлат элементлар тозаланиши, грунтовкаланиши ҳамда коррозиядан ҳимояловчи қоплама билан бўялиши лозим.

Уланадиган материал мавжуд бетонга механик боғланиши керак.

Бетонни таъмирлашда қўлланиладиган арматуралаш материаллари сифатида юмшоқ пўлат, эпоксид қопламали пўлат ёки легирланган пўлатдан фойдаланилишга йўл қўйилади.

6-§. Қолиплар

114. Бетондан бўлган безак элементларини тиклаш ҳамда ёғочга ўхшаш юзаларни ясаш учун махсус қолиплардан фойдаланиш керак.

Моддий маданий мерос объекти фасади бўйлаб қуйидагиларни қўлланилишига йўл қўйилади:

такрорланувчи бетон безаклар учун — қайта қўлланилувчи қолиплар;

тўлиқ бузилиб кетган ёки такрорланмайдиган меъморий қисмлар учун — йиғма бетон элементлар.

Безак бетон учун қолипларни тайёрлаш қуйидаги босқичларда амалга оширилиши керак:

мавжуд бетон қуймасини олиш;

гипсдан ушбу қисмнинг қуймасини тайёрлаш;

гипсдан тайёрланган қуймадан қолип ёки макетни тайёрлаш;

янги бетон элементни қуйиш.

115. Қолипни майда безакли бетон элементидан ечишдан олдин бетон шикастланмайдиган даражада, шунингдек ишлов берса бўладиган даражада қотган бўлиши керак.

7-§. Таъмирлаш учун материалларни ва қоришма таркибини танлаш

116. Таъмирлаш учун мос бўлган материалларни ва қоришма таркибини танлашда синов ишлари бажарилиши керак.

Материалларни танлашда талаб этилаётган таъмир ишининг тури инобатга олиниши ҳамда материаллар мавжуд бўлган бетоннинг хоссаларига мос келиши лозим.

Сиқилишга бўлган мустаҳкамлиги ва сув ўтказмаслик хоссалари юқори бўлган ва мустаҳкамлиги паст бўлган бетонга мос келмайдиган материаллар бетонни таъмирлашда қўлланилишига йўл қўйилмайди.

117. Бетонни таъмирлаш учун ярим тайёр материаллардан фойдаланишга йўл қўйилмайди.

Бетон қоришмасига қўшиладиган ва қоришмасининг кўринишини ўзгартирадиган қўшимчалар, жумладан полимер модификацияловчи материаллардан фойдаланишга йўл қўйилмайди.

8-§. Бетон элементларни таъмирлаш усуллари

118. Асл материални сақлаб қолиш имкони бўлмаса, янги ўрнатиладиган материал асл материалга визуал жиҳатдан мос келиши, шунингдек унинг сиқилишга бўлган мустаҳкамлиги, сув ўтказмаслиги ва бетон қоришмаси учун муҳим бўлган бошқа хоссалари асл материалникига ўхшаш бўлиши лозим.

119. Мавжуд бўлган бетоннинг кўринишига ўхшатиш учун таъмирлашда қўлланиладиган бетон қоришмасининг таркиби тўғри ишлаб чиқилиши керак.

120. Асл бетоннинг турли хоссаларига мос келувчи бетонни танлаш учун турли синов намуналари тайёрланиши, бунда ушбу аралашмаларни тайёрлашда мавжуд бетондаги тўлдирувчилар ва цементнинг тури ва ранги инобатга олиниши лозим.

Таъмирлашда қўлланиладиган бетонни асл бетонга ўхшатиш учун турли қолиплар ва юзага ишлов бериш усуллари синаб кўрилиши керак.

Дастлабки синовлар аввал қурилиш майдонида (конструкциянинг ўзида эмас) бажарилиши лозим.

Энг яхши натижа берган қоришма таркиблари синов сифатида конструкциянинг бир қисмига қўлланилиши ва қотганидан сўнг текширилиши керак.

121. Бетон мустаҳкамроқ бўлиши учун сувоқ белчаси билан ўрнатиладиган бетон ўрнига қолип билан қуйиладиган бетон қўлланилиши керак (бетон қолип билан қуйилганда йирик тўлдирувчилар қўшилади).

122. Кенг ёриқларда таркибида қум бўлган қоришмадан фойдаланиш лозим.

Қумсиз қоришмалар ингичка ёриқларда қўлланилиши керак.

Катталашиб кетмайдиган майда ёриқлар таъмирланмасдан қолдирилишига йўл қўйилади.

123. Моддий маданий мерос объектларидаги бетоннинг кўзга ташланадиган жойларида эпоксид билан таъмирлашга йўл қўйилмайди.

Ёриқлар ҳосил бўлиши мумкин бўлган бетон конструкциянинг бутунлигини тиклаш талаб этилса, эпоксид инъекциясидан фойдаланишга йўл қўйилади.

Бундай таъмирлашни бажариш учун аввал деворнинг икки тарафидаги ёриқлар эпоксид, полиэситр, мум, тасма ёки суюқ цемент қоришма билан ёпилиши ва бетонда дрель билан очилган тешиклар орқали эпоксид инъекция қилиниши керак.

Ёриқлардаги эпоксид қотганидан сўнг, девор юзасидаги герметикловчи материал олиб ташланиши лозим.

124. Конструктив чоклар (юклар таъсир этганда ёки улар олинганда ҳаракатланувчи чоклар) ҳамда ҳарорат чоклари (ҳарорат ўзгарганида ҳаракатланувчи чоклар) уларнинг ҳаракатни таъминлайдиган қилиб таъмирланиши керак.

Конструктив чокларни чок четларига ёпишадиган ва чок ҳаракатланганида сиқилиб кенгаядиган герметик билан тўлдириш лозим.

Конструктив чокни тозалаш ва сув ўтказмасликни таъминлаш учун уларда эластомер герметик ўрнатилиши керак.

9-§. Шикастланган бетон элементларни янгисига алмаштириш

125. Моддий маданий мерос объектидаги бетон элементлар таъмирлаб бўлмайдиган ҳолатда шикастланган ёки емирилган бўлса, ушбу элементларни қуйма элементлар билан алмаштиришга йўл қўйилади.

126. Алмаштириладиган элемент мавжуд элементга мос бўлишини таъминлаш учун бетон қоришмаси тўғри танланиши, элемент ўрнатилиши ва ишлов берилиши керак.

10-§. Бетонни ҳимоялаш усуллари

127. Қуйидаги ҳолатларда қопламалар ва бетонга сингувчи герметиклардан фойдаланишга йўл қўйилади:

улар бетонда қўлланилган бўлса;

бетон элементларни ҳимоялашни бошқа усулларини қўллашнинг имкони бўлмаса.

128. Моддий маданий мерос объектининг том қисми, терассалари, балконлари, ер ости қисмлари ва бошқа кўринмайдиган қисмларини ҳимоялашда сув ўтказмайдиган қопламалар қўлланилиши лозим.

129. Бетонни ҳимоялаш усулини танлашдан олдин, бетоннинг емирилишига олиб келувчи шароитлар ва атроф-муҳит омиллари ўрганилиб чиқилиши керак.

7-боб. Моддий маданий мерос объектларининг фасадларида мавжуд материалларни ўрнини босувчи материаллардан фойдаланиш

130. Қуйидаги ҳолатларда моддий маданий мерос объектларида мавжуд материалларнинг ўрнини босувчи материалларни қўллашга йўл қўйилади:

моддий маданий мерос объектида қўлланилган материал мавжуд бўлмаса;

материални тайёрлашда қўлланиладиган тарихий усуллар мавжуд бўлмаса;

алмаштириладиган элемент объектнинг тарихийлигини белгилаб беришда иккиламчи аҳамиятга эга бўлса;

моддий маданий мерос объектига қўшимча элемент қўшиладиган бўлса;

моддий маданий мерос объектининг йўқолган элементи қайта тикланиши бўлса;

ҳаёт хавфсизлиги, зилзилабардошлилик ҳамда ногиронлиги бўлган шахслар учун шароитларни яратиш бериш нуқтаи назаридан объектнинг фойдаланиш хоссалари оширилиши талаб этилса.

131. Моддий маданий мерос объектида асл материал ўрнига қўлланиладиган материал қуйидаги талабларга жавоб бериши керак:

визуал кўриниши асл материалникига ўхшаш бўлиши;

физик хоссалари асл материалникига яқин бўлиши;

хизмат қилиш муддати давомида асосий фойдаланиш талабларга мувофиқ бўлиши;

вақт ўтиб талаб этилган хоссаларининг йўл қўйиб бўлмайдиган даражада ўзгармаслиги;

табиий офатларга чидамлилиги юқори бўлиши;

унинг ишлаб чиқарилиши ва ундан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган жараёнларнинг атроф-муҳитга бўлган зарарли таъсири йўл қўйиладиган даражалардан ошмаслиги.

132. Асл материал ўрнига қўлланиладиган материалнинг физик хоссалари ва визуал кўриниши асл материалникига мос бўлмаса, у моддий маданий мерос объектининг муҳим (тарихий аҳамиятини белгиловчи) элементларидаги материалларини алмаштиришда қўлланилмаслиги лозим.

133. Моддий маданий мерос объектидаги турли элементлар ва улардаги материаллар ўрнига қўлланиладиган материаллар мазкур ШНҚнинг 2-иловасига мувофиқ танланиши лозим.

8-боб. Моддий маданий мерос объектларининг энергия самарадорлик кўрсаткичларини яхшилаш

134. Моддий маданий мерос объектида энергия самарадорликни ошириш бўйича чора-тадбирларни татбиқ қилишдан олдин, уларнинг энергия самарадорлигига таъсир кўрсатувчи элементлари (очиб-ёпиладиган деразалар, ички ҳовлилар, зенит фонарлари, шифт ойналари, том вентиляторлари, гумбазлар ва табиий вентиляция ҳамда табиий ёруғликни таъминловчи бошқа элементлар) текшириб чиқилиши керак.

135. Моддий маданий мерос объектини энергия самарадорлик жиҳатидан яхшилаш чора-тадбирларининг ичидан энг самаралиси ва объектнинг тарихий тусига энг кам таъсир кўрсатадиганлари қўлланилиши керак.

136. Моддий маданий мерос объектининг йирик элементларининг тарихий кўринишини бузилишига олиб келувчи чора-тадбирларни (девор изоляциясини ошириш учун мавжуд сайдингни янги сайдинг билан алмаштириш, таъмирлаш имкони бўлган деразаларни янгисига алмаштириш) қўллашга йўл қўйилмайди.

137. Моддий маданий мерос объектини иситиш ва совитишга кетадиган энергияни камайтириш учун қуйидаги чора-тадбирлар амалга оширилиши керак:

фойдаланилмайдиган хоналарни бутунлай ёпиб ташлаш ва ундаги ҳароратни бинога зарар етказмайдиган даражага мослаштириш;

совитилиши/иситилиши зарур бўлмаган хоналарни совитиш/иситиш тизимидан узиш;

деразалар орқали иссиқлик кириши ва чиқишини олдини олиш учун изоляцияловчи экранлар ва пардалардан фойдаланиш;

хоналар ҳарорати ва вентиляциясини бошқаришда очиб-ёпилувчи деразалар, дераза эшиклари, соябонлардан мақсадли фойдаланиш;

табиий ёруғликдан фойдаланиш;

лед лампаларни ўрнатиш;

ёруғлик ва локал вентиляция (масалан, ювиниш хонасидаги вентиляция) учун ҳаракат сенсорларини ўрнатиш;

механик жиҳозларни тозалаш ва уларга хизмат кўрсатиш.

138. Моддий маданий мерос объектининг энергия истеъмолини минималлаштиришда жиҳоз ва ускуналарни янгилашга йўл қўйилади.

139. Моддий маданий мерос объектларининг энергия самарадорлик кўрсаткичларини оширишда қуйидаги ишларни бажаришга йўл қўйилади:

иситиш тизимининг унумдорлигини оширишга;

ҳавони совитиш тизимининг унумдорлигини оширишга;

сув иситгични алмаштиришга;

маиший жиҳозларни янгилашга;

объектнинг ҳаво ўтадиган жойларини таъмирлашга;

объектнинг чордоқ қисмини изоляциялашга;

деразаларга қўшимча қишки рама ўрнатишга;

ер тўла ва пол ости жойларини изоляциялашга;

ҳаво каналлари ва қувурларни изоляциялашга;

эшикларни зичлашга;

деразаларда соябонлар ўрнатишга.

140. Моддий маданий мерос объектларининг энергия самарадорлик кўрсаткичларини оширишда қуйидаги ишларни бажаришга йўл қўйилмайди:

объектга кириш жойини ички вестибюль билан ажратиш;

деразаларни алмаштириш;

ёғоч деворларга изоляция ўрнатиш;

тош-ғишт деворларга изоляция ўрнатиш;

томларни қуёш нурини қайтарувчи материал билан қоплаш;

«яшил» (ўсимликли) том ўрнатиш.

141. Моддий маданий мерос объектига ҳаво кириб чиқишини камайтириш учун қуйидаги ишлар бажарилиши керак:

ташқи деворларнинг устки ва остки чокларини, қаватлар орқали ўтувчи коммуникация қувурларини ёки шахталарнинг четларини герметик билан ёпиш;

эшик ва деразаларга зичлагич тасмаларни ўрнатиш;

девор ости, дераза ва эшиклар атрофидаги ёриқларни ёпиш;

чордоқ ва девор оралиғини зичлаш.

142. Моддий маданий мерос объектининг энергия истеъмолини камайтиришда том ёки чордоқ орқали энергия йўқотилишини камайтириш (изоляциялаш орқали) керак.

143. Фойдаланилмайдиган чордоқларни изоляциялашда шиша толали изоляция ёки полиуретан плиткалардан фойдаланишга йўл қўйилади.

Сепиладиган полиуретан кўпикдан фойдаланишга йўл қўйилмайди.

144. Чордоқларни изоляциялашда буғ ўтказмайдиган плёнкалардан фойдаланмасликка йўл қўйилади.

145. Моддий маданий мерос объектининг чордоқ қисмида механик жиҳозлар ўрнатилмаган бўлса, чордоқ том қисмини изоляциялаш керак.

Чордоқда механик жиҳозлар бўлмаса унинг пол қисми изоляцияланиши керак.

146. Инфрақизил нурланишни камайтириш учун чордоқда нурланишни қайтарувчи плёнкалардан фойдаланиш лозим.

147. Деразаларга ички томондан ўрнатиладиган қўшимча қишки рамаларда зичлагич бўлиши керак.

Иситилмайдиган мавсумларда қўшимча қишки рамалар ечиб қўйилиши керак.

148. Моддий маданий мерос объектининг ер тўла қисми фойдаланилмайдиган бўлса, ер тўла устидаги ораёпма изоляцияланиши керак.

Ер тўла фойдаланиладиган бўлса, унинг устидаги ораёпмани изоляциялашга йўл қўйилмайди.

149. Ҳавоси мўтадиллаштирилмайдиган хоналардаги иссиқ сув қувурлари ва сув иситгичлар изоляцияланиши керак.

Совуқ иқлимли ҳудудларда барча сув қувурлари изоляцияланиши (қувурларнинг музлашини олдини олиш учун) керак.

150. Тарихий ёғоч эшикларни энергия самарадор эшиклар билан алмаштиришга йўл қўйилмайди.

151. Эшикнинг энергия самарадорлигини ошириш учун эшикларга зичлагич ўрнатиш лозим.

152. Ташқари тарафдан қўшимча қишки эшик ўрнатиладиган бўлса, у тўлиқ шаффоф ойнали бўлиши керак.

153. Турар жой сифатида фойдаланиладиган моддий маданий мерос объектларида қўшимча қишки эшикларни ўрнатишга йўл қўйилади.

Офис ёки саноат объектларидаги кўп фойдаланиладиган асосий эшикларда қўшимча қишки эшикларни ўрнатишга йўл қўйилмайди.

154. Моддий маданий мерос объектларидаги эшик ва деразаларда соябонлар, экранлар ёки дераза эшиклари ўрнатилишига йўл қўйилади, бунда улар объектга мос бўлиши керак.

9-боб. Моддий маданий мерос объектларининг сейсмик мустаҳкамлигини ошириш

155. Моддий маданий мерос объектининг сейсмик мустаҳкамлигини ошириш ва сейсмик жиҳатдан камчиликларини камайтиришда қуйидаги шартлар бажарилиши керак:

объектдаги асл материалларни сақлаб қолиш;

объектнинг асосий тарихий элементлардаги ўзгартиришларни минималлаштириш.

156. Моддий маданий мерос объектининг сейсмик мустаҳкамлигини оширишда объектнинг тарихий аҳамиятини сақлаш бўйича қуйидаги талаблар бажарилиши керак:

конструктив ва ноконструктив тарихий элементлар ва материаллар сақлаб қолиш;

тарихий элементлар ва материаллар таъмирланмайдиган даражада шикастланган бўлса, уларни ўхшаш ёки асл материалнинг ўрнини босувчи материал билан алмаштириш;

сейсмик мустаҳкамлигини ошириш бўйича янги тизимлар моддий маданий мерос объектининг мавжуд конструктив тизими билан мос равишда ишлаши ва уларнинг бутунлигига таъсир кўрсатмаслигини таъминлаш;

сейсмик мустаҳкамлигини ошириш бўйича янги тизимларни объектнинг тарихий элементлари ва материалларига шикаст етказмаслигини (ўрнатиш вақтида) таъминлаш.

157. Сейсмик ҳудудларда жойлашган моддий маданий мерос объектларининг сейсмик мустаҳкамлиги текширилиши керак.

158. Сейсмик мустаҳкамликни текширишда конструктив элементлардаги (устунлар, тўсинлар, ораёпмалар) ҳамда ноконструктив элементлардаги (юк кўтармайдиган деворлар, пардадеворлар, ойнаванд қисмлар, дудбуронлар, шифтлар ва бошқа меъморий элементлар, шунингдек объект тизимлари ва жиҳозлари) камчиликлар аниқланиши керак.

159. Эҳтимолий сейсмик хавфни аниқлашда қуйидаги омиллар инобатга олиниши керак:

моддий маданий мерос объекти конструкциясининг тури ва объектнинг ҳолати;

зилзила натижасида ҳудудда юзага келувчи хавфлар (ернинг ёрилиши, грунт қуйқаланиши, ер кўчкилари, туташ бўлган бино ва иншоотларнинг объектга урилиши, ҳудудда жойлашган тўғон бузилишидан юзага келадиган сув тошқини).

160. Материалларнинг чириши, коррозияга учраши ёки намлик сабабли емирилишидан моддий маданий мерос объектининг мустаҳкамлиги пасайишини олдини олиш учун объектда мунтазам равишда қуйидаги ишлар бажарилиши керак:

томларни, тарновларни ва пойдеворларни намлик ўтказмаслигини, пардеворлар ва дудбуронлардаги металл маҳкамлагичларни коррозияга учрамаганлигини текшириш, таъмирлаш ишларини бажариш ҳамда металл элементларни бўялган ҳолатда сақлаш;

ёғоч элементларни текшириш ва ёғочларга хавфли бўлган ҳашаротларнинг пайдо бўлишига йўл қўймаслик;

чиқиб кетиш зиналарини мустаҳкамлигини текшириш ва фавқулодда вазиятда қулаб кетишини олдини олувчи чораларни кўриш;

тош-ғишт деворларни емирилган жойларини ва чокларини ўз вақтида таъмирлаш.

10-боб. Моддий маданий мерос объектларида ортиқча намликни бартараф этиш бўйича талаблар

161. Моддий маданий мерос объектларида ортиқча намлик билан боғлиқ бўлган муаммоларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирларни амалга оширишдан олдин объект тўлиқ текшириб чиқилиши керак.

162. Намлик билан боғлиқ бўлган муаммоларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар объектнинг тарихийлигини ифодаловчи элементларига шикаст етказмаслиги таъминланиши керак.

163. Тарихий объектга шикаст етказувчи намлик манбаларини топиш, уларни тўғрилаш ва назорат қилиш учун намлик манбасининг объектга таъсири ўрганилиши керак.

164. Намликдан юзага келган муаммоларини бартараф этувчи механик тизимларни ўрнатишдан олдин намликни келтириб чиқарувчи манбаларни жиҳозларсиз бартараф этиш йўллари ўрганиб чиқилиши керак.

165. Намлик билан боғлиқ бўлган муаммоларни бартараф этишда қуйидагилар инобатга олиши керак:

моддий маданий мерос объектида қўлланилган материалларнинг тури ва қурилиш тизимлари;

моддий маданий мерос объекти томининг тури ва ҳудуддаги дренаж тизимлари ҳамда улар орқали ўтадиган сув сарфи;

грунт тури, грунт намлиги, моддий маданий мерос объекти яқинида мавжуд бўлган ер усти ва ер ости сув оқими;

моддий маданий мерос объектининг фойдаланиш мақсади ва унинг натижасида ҳосил бўлувчи намлик миқдори;

материалларнинг ҳолати ва ўзига сув тортиш даражаси;

иситиш, вентиляция, совитиш, намлантириш/қуритиш тизимлари ҳамда сув ва оқова сувларни чиқариб юбориш тизимларининг тури ва ҳолати;

қуёш нури тушиши, шамол оқими, ёмғир, ҳарорат ва нисбий намликнинг (ички ва ташқи) кунлик ва мавсумий ўзгариши, шунингдек ер ости сув сатҳларининг мавсумий ўзгариши;

қурилиш ҳудудидаги ноодатий шароитлар ёки нотекисликлар;

моддий маданий мерос объектига сизиб кирувчи ҳаво миқдори ҳамда туташ бўлган ландшафт ва ўсимлик экишда фойдаланилган материал.

166. Грунтни ковлаш ишларини бажаришда ҳудуддаги тарихий-маданий ландшафт ёки археологик манбалар бўйича маълумот олиниши керак.

167. Яққол кўзга кўринувчи камчиликлар (масалан, ёрилган қувурлар, тўлиб қолган тарновлар ёки девордаги ёриқлар) бартараф этилиши керак.

168. Яққол кўзга кўринмайдиган мураккаб муаммоларни бартараф этиш учун муаммонинг турига кўра объектда бир неча ойдан бир йилгача бўлган муддат давомида ўрганиш ишлари бажарилиши керак.

169. Намликдан шикастланган жойларни аниқлаш ва намлик манбасини топиш учун қуйидаги белгиларга инобатга олиниши керак:

туриб қолган сув, моғорланиш;

нам доғлар, емирилган юзалар, шўрланган юзалар;

бўёқ ва шувоқнинг кўчиши, гулқоғознинг ажралиши, юзаларда намликдан ҳосил бўлган пуфакчалар;

намлик юқори бўлган ёки шамоллатилмайдиган жойларда намлик ва моғорлаш ҳиди;

металл элементларда занглаш ва коррозия аломатлари;

ёғоч элементларнинг деформацияланиши, ёрилиши ва чириши;

тош-ғишт юзалардаги шувоқнинг кўчиши, ёрилиши, чоклардаги қоришманинг емирилиши;

том қисмидаги шикастланишлар;

дераза ва деворлардаги конденсация;

чордоқдаги намлик.

11-боб. Моддий маданий мерос объектларидаги сувоқли қопламаларни сақлаш ва таъмирлаш

170. Сувоқли қопламани таъмирлашдан олдин унинг емирилиш сабаби (томдан, дераза ва эшиклардан ёки грунтдан объект конструкциясига сув сизиб кириши, грунт чўкиши, эшик рамасининг чўкиши, ўсимлик ўсиб чиқиши, объект ичидаги ортиқча намлик) аниқланиши керак.

171. Сувоқли қопламанинг емирилиш сабаби аниқланганидан сўнг уни таъмирлашдан олдин емирилиш сабабларини бартараф этиш бўйича таъмирлаш ишлари бажарилиши керак.

172. Сувоқли қопламани таъмирлаш бўйича ишларни бошлашдан олдин унинг емирилиш даражаси ўрганилиши ва қанча қисми алмаштирилиши ёки таъмирланиши лозимлиги аниқланиши керак.

173. Моддий маданий мерос объектидаги сувоқли қопламанинг умумий ҳолатини аниқлаш учун объект тўлиқ текширилиши керак.

Кўз билан (визуал) кўринмайдиган таъмирталаб жойлар ёғоч ёки акрил болтача билан уриб чиқилиб, сувоқ остидаги бўшлиқлар аниқланиши керак.

174. Сувоқнинг таркибини ва пропорцияларини аниқлаш учун мавжуд сувоқ материали ўрганилиши керак.

175. Янги сувоқ таркиби эски сувоқ таркибига тўлиқ мос бўлиши талаб этилмайди.

176. Майда ёриқларни суюқ қоришма билан ёпиб чиқишга йўл қўйилади.

177. Йирик ёриқларни таъмирлаш учун улар аввал очиб тозаланиши ва таъмирлашга тайёрланиши керак.

178. Моддий маданий мерос объектидаги эски сувоқли қопламани сақлаб қолиш учун уни тўлиқ алмаштириш ўрнига фақатгина шикастланган жойларини таъмирлаш лозим.

Сувоқланган юзада шикастланган жойлар кўп бўлса, ямалган жойлар эстетик жиҳатдан яхши кўриниш бермаслигини инобатга олиб бундай юзалардаги сувоқ тўлиқ алмаштирилиши керак.

179. Моддий маданий мерос объектларидаги сувоқли юзаларни таъмирлашда юза янги сувоқ билан қопланишидан олдин емирилган, ёрилган, ёпишмаган сувоқ олиб ташланиши, қаттиқ чўтка билан тозаланиши, ўсимликлар, бўёқлар ва кирлардан тозаланиши лозим.

180. Янги сувоқли қоплама мавжуд сувоқли қопламага ўхшаш бўлиши (ранги ва тузилмаси билан) ҳамда мустаҳкам бўлишини таъминлаш учун синов намуналари камида бир йил давомида кузатилиши керак.

Сувоқли қоплама қатламлари сони ва қалинлиги мавжуд сувоқ қопламаникига мос бўлиши керак.

181. Сувоқ қопланадиган юза етарлича намлантирилиши, остки дағал қатлам (6 — 9 mm) ўрнатилиши ва иккинчи қатлам яхши бирикиши учун тароқ билан қириб чиқилиши керак.

Биринчи ва иккинчи қатламларнинг умумий қалинлиги 16 mm дан ошмаслиги керак.

Якуний қатлам яхши ёпишиши учун иккинчи қатлам михли ёғоч билан қириб чиқилиши керак.

Якуний қатламнинг қалинлиги 6 mm бўлиши керак.

Якуний қатлам мавжуд сувоқли қопламага мос келадиган қилиб ишлов берилиши керак.

Ҳар бир қатламни ўрнатиш орасидаги вақт ҳаво ҳароратига боғлиқ ҳолда 24 — 72 h ташкил этиши керак.

182. Сувоқ учун ишлатиладиган қоришмани тайёрлашда қуйидагиларга амал қилиниши керак:

қоришма 1,5 — 2 h га етадиган миқдорда тайёрланиши ва ортиб қолган сувоқ қоришмаси ишлатилмаслигига;

қоришманинг ранги ўзгариб кетишини, ёриқлар ҳосил бўлишини ва яхши ёпишмаслигини олдини олиш учун сувоқ қоришмаси ортиқча аралаштириб юборилмаслигига (сув қўшилганидан сўнг қоришма 10 — 15 мин қўлда аралаштирилиши ёки 3-4 мин қурилиш миксерда аралаштирилиши);

қоришма сувни ўзига тортиб олиб ёриқ ҳосил бўлмаслиги учун сувоқ билан қопланадиган юза олдин намланишига;

сувоқ тез қуриб ёриқлар ҳосил бўлмаслиги учун сувоқ қилинган юза 48 — 72 h (ҳавонинг иссиқлигига боғлиқ ҳолда) давомида қуёш нуридан ҳимояланиши ёки мунтазам равишда намлантириб турилишига;

сувоқни таъмирлаш ишлари совуқ ҳавода (4-5°С дан паст бўлган ҳароратда) бажарилмаслигига.

12-боб. Моддий маданий мерос объектларидаги бўялган ёғоч элементларни таъмирлаш

183. Моддий маданий мерос объектларидаги ёғоч элементларнинг бўёқ қопламаларини таъмирлаш ШНҚ 3.01.02-23 талабларига мувофиқ амалга оширилиши керак.

184. Моддий маданий мерос объектларидаги ёғоч элементларнинг бўёқ қопламасини таъмирлаш учун уларнинг ёши, меъморий усули, тарихий аҳамияти ҳамда ёғочнинг мустаҳкамлиги ўрганилиши керак.

185. Ёғоч элементдаги бўёқ қопламани тўлиқ кўчиришга (ёғочни тозалаш, енгил қириш ва қумқоғоз билан ишқалаш бундан мустасно) фақатгина мутлақ зарур бўлган ва асосланган ҳолатларда (ёғочда кўп миқдорда ёриқлар бўлса, бўёқ қоплама ёғоч кўринадиган даражада ажралиб кўчган бўлса ва бошқалар) йўл қўйилади.

186. Ташқи ёғоч элементларда бўёқнинг емирилиш белгилари (бўёқнинг кукунланиши, пуфакчалар ҳосил бўлиши, қатламлаб кўчиши ёки ёрилиши) бўлмаса, бўёқни кўчириш ва қайта бўяшга йўл қўйилмайди.

187. Бўёқ қопламани таъмирлашдан олдин бўялган юза ёғоч эканлиги (сувоқ, металл ёки бошқа материал эмаслиги) текширилиши, шунингдек ёғоч материал чиримаганлиги текширилиши керак.

Намлик ўтиши натижасида ёғочнинг чириган қисмлари мавжуд бўлса, бўяшдан олдин улар таъмирланиши ва алмаштирилиши керак.

188. Бўёқ қопланган юзаларда майда нуқсонлар бўлса ёки кир йиғилган бўлса, бўёқни олиб ташламасликка йўл қўйилади.

Бўёқнинг устки қатламлари кўчган бўлса, бўёқни қисман олиб ташлашга йўл қўйилади.

Бўёқ қатламлари кўп миқдорда кўчган бўлса, бўёқ тўлиқ кўчириб ташланиши лозим.

ШНҚ 2.08.12-24 «Моддий маданий мерос объектлари» шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига
1-ИЛОВА

Тош-ғишт деворлардаги тўғри ва нотўғри бажарилган чокларнинг кўриниши



1-расм. Таъмирлаш учун тўғри ва нотўғри тайёрланган чокларни таққослаш



2-расм. Тўлиқ тўлдирилган ва чуқурлаштирилган чокларни визуал кўринишларини таққослаш (тўлиқ тўлдирилган чоклар, уларнинг асл қалинлигини ўзгартиради ва деворнинг асл кўринишини ўзгартиради).

ШНҚ 2.08.12-24 «Моддий маданий мерос объектлари» шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига
2-ИЛОВА

Моддий маданий мерос объектининг турли қисмлари ва улардаги материалларнинг ўрнига қўлланилиш учун йўл қўйиладиган материаллар

	Деворлар (тош-ғишт, сопол)	Меъморий металлар, қуйма ва болғаланган темир, пўлат, прессланган металл	Сайдинг (ташқи қоплама), ёғоч, асбест	Том, ёғоч, черепица, сланец тош, плитка	Терраса, ёғоч	Молдинг, ёғоч
Алюмин	●	●	●			●
Қуйма тош ва йиғма бетон	●			●		
Толали кучайтирилган бетон	●					
Шиша толали кучайтирилган бетон	●	●				
Толали цемент			●	●		●
Минерал/полимер композит			●	●	●	●
Целлюлоза тола/полимер композит			●	●	●	●
Композит бўлмаган полимерлар		●			●	●
Уяли поливинилхлорид (ПВХ)			●		●	●